



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 148 (12.459)

Баҳоси эркин нарҳда




## КАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Кун сайин яқинлашиб келаётган мустақиллик айёми арафасида юртимизнинг барча гўшаларида, шу жумладан пойтахтимиз ва унинг туманларида байрамни кўтаринки руҳда кутиб олиш учун катта тайёргарлик қўрилмоқда. Маърифий учрашувлар ва давра суҳбатлари, адабий-баддий кечалар ҳамда маданий тадбирлар билан бирга тозалаш ва ободонлаштириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Мана шундай эзгу ишлар 1968 йилда ташкил этилган Сергели туманида ҳам қизгин давом этмоқда. 4,9 минг гектар майдонни эгаллаган тумanning барча жойларида тозалик ва орасталикка жиддий эътибор қаратилмоқда. Мавжуд 8020 та ҳовли-жой ҳамда қарийб 1200 та кўп қаватли уйларнинг ён-атрофи, кўчалар, болалар майдончалари ва кириш йўлаклар тозаланиб, мавжуд чиқинди ва кераксиз нарсалар олиб ташланаётган.

160 мингдан зиёдроқ аҳоли истиқомат қиладиган Сергели туманида 33 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Туман аҳолисининг соғлиги, айниқса оналар ва болалар саломатлигини асраш бо-

расида соғлиқни сақлаш тизимида битта шифохона ҳамда бешта поликлиникада туну кун беморларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Аҳолига керакли доридармонни етказиб бериш йўлида 98 та дорихона фаолият олиб бормоқда.

Туман ҳудудидаги 33 та мактабга таълим муассасасида 7800 нафардан ортиқ тарбияланувчи бор. Улар билан 420 та педагог ва тарбиячилар иш олиб бормоқда. Йигирма тўртта мактабда ўттиз минг нафардан ортиқ ўқувчилар умумтаълим фанларидан билим олишмоқда. Еттига касб-хунар коллежида ёшлар ўзлари қизиққан касб ва ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Иқтисодиётнинг барқарорлиги борасида Сергели пойтахтимиздаги етакчи туманлар қаторида туради. Бугунги кунда бу ерда 261 та йирик, 2250 та кичик ҳамда 146 та хорижий ишлаб чиқариш корхоналари фаолият олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 102

фоизга, истеъмол моллари 120 фоизга, асосий капиталга инвестициялар кириши 105 фоизга ошди, хизмат кўрсатишнинг эса 110 фоизга ўсиш суръати кузатилди. Ҳудудий экспорт жорий йилнинг ярим йиллигида 57 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Туманда биттадан маданият уйи ва мусика мактаби фаолият кўрсатмоқда. Учта спорт муассасасида кўплаб иқтидорли йигит-қизлар спортнинг турли йўналишлари билан шуғулланишмоқда. Бешта стадион, учта сузиш ҳавзаси, 28 та спорт зали, иккита спорт майдони, тўртта болалар спорт мактаби бугун ёшлар ихтиёрида.

Бунёдкорлик борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Янги-янги бинолар қад ростламоқда. Таъмир-талаб йўллarga қайтадан асфальт-бетон қопламаси ётқизирилиб, текис ва раво қилинаётган. Бир сўз билан айтганда Сергели тумани кун сайин янада чирой очиб, тараққий этиб бормоқда.

(Сергели туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

«Туркистон» саройида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.

### ТАБАРРУК ДИЁР МАДҲИ

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори А.Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёшлар қалби ва онгига Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига сadoқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ватанпарварлик ҳисси билан йўғрилган ва баддий юксак кўшиқларни яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловнинг «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тизимидаги саралаш жараёнларида 400 нафардан ортиқ профессионал ва ҳаваскор хонанда иштирок этди.

Ватан ҳақида куйлаш ижодкор зиммасига катта масъулият юклаши билан бирга, қалбига чексиз ғурур ва ифтихор, шу табаррук заминимиздан фахрланиш туйғуларини бағишлайди, дейди Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти талабаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Қорақалпоғистон бўлими хонандаси Наврўз Тилеков. — Ушбу танлов учун «Қорақалпоғистон» кўшиғини тайёрлаб келдик.

Танловда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминов ва Рўзимухаммад Мўминов (Тошкент шаҳри), Шерзод Давронов (Навоий вилояти) биринчи ўринга лойиқ топилди.

Голиблар кўрик-танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

### МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

Энг улуг ва энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг муборак йигирма икки йиллиги шаҳримизнинг барча гўшаларида ўзига хос байрамона тарзда катта тантаналар билан кутиб олинмоқда.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий марказида бўлиб ўтган «Мустақиллик энг улуг ва энг олий неъмат» мавзусидаги тадбир Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Маънавият-маърифат тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари бўлими, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ҳамда мазкур марказ ҳамкорлигида ташкил қилинди.

«Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шиори остида уюштирилган тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, эл севган санъаткорлар, ёш ижодкорлар иштирок этдилар.

— Мустақиллик туфайли биз ўзлигимизни англадик, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намойён қилиш имконияти очилди, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими

раҳбари Дилафруз Жуманиёзова. — Истиқлол боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шухрати олам узра янада кенгрок ёйилмоқда. Хуррият берган бекиёс неъматлар негизда эртанги кунимиз, эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда)



### ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта

компаниясида мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб тадбир ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги «Богистон», «Ширин»

ҳамда А. Қодирий маҳалларида «Ободлик кўнгиладан бошланади» мавзусида давра суҳбатлари уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор туманидаги «Навбахор» маҳалласида «Оғоҳлик — давр талаби» деб номланган тадбир ташкил этилади.



### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилояти адлия бошқармасида тадбиркорлар ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда тижорат банклари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда бевосита хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.

● Термиз шаҳрида «Ўзбек ипаги» уюшмаси томонидан Сурхондарё вилояти пиллакорлари учун Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган маданий тадбир ташкил этилди. Тадбирда пилладан мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшган туман хотин-қизлар кўмитаси ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, пилла отряди раҳбарлари, агрономлар, пиллакорлар «Ўзбек ипаги» уюшмасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда сертификатлар билан тақдирланди.

● Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси одам савдосига қарши курашиш чора-тадбирларини кучайтириш борасидаги муҳим вазифалар мавзусида брифинг ўтказди.

● Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан экологик медиатур ташкил этилди. Медиатур давомида журналистлар Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи, Кўкон шаҳридаги «Индорама Кўкон текстиль» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонасида бўлиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган экологик тоза технологиялар билан танишди.

● Жиззах шаҳрида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида анъанавий «Мафтункор ранглар жилоси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, Ўзбекистон ногиронлар жамияти вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 60 нафар бола тасвирий санъатнинг расм чизиш йўналишида ўз иқтидорини намойиш этди.

### ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Чанша шаҳрида қурилаган ва дунёдаги энг баланд бино бўлиши кутилаётган Sky Citi осмонўпар мажмуасининг қурилиши бунёдкорлик ишлари бошланганидан сўнг бир неча кун ўтиши билан тўхтатиб қўйилди. Маҳаллий маъмурларнинг сўзларига кўра, бунга қурилишни амалга ошираётган ташкилот бунёдкорлик ишлари учун зарур бўлган барча ҳужжатларни олмаганлиги сабаб бўлган.

● АҚШдаги Техас университети профессори Жозеф Леви бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар изланишлари натижасида Антарктидадаги Виктория ерида жойлашган Мак-мердо қуруқ водийлари ҳудудидаги Гарвурд водийсида ерости музлигининг жуда тез эриётганини исботладилар. Маълумотларга қараганда, абадий музликнинг эриш суръатлари 2001 йилдан 2012 йилга қадар ўсиб борган ва ҳозирда жорий геологик давр учун хос бўлган ўртача суръатдан тахминан ўн баробар юқориدير.

● Кейинги пайтларда компьютерлар ишлаб чиқарувчи «Intel» ва «IBM» компанияларининг даромад кўрсаткичи сезиларли даражада пасайиб кетди. Жумладан, жорий йилнинг иккинчи чорагида «Intel» кўрган даромад ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 29 фоизга камайиб кетган бўлса, «IBM» даромади эса 17 фоизга тушиб кетди. Экспертларнинг фикрича, бугунги кунда кўпчилик компьютерлар ўрнига қулай ва ихчам планшетлардан фойдаланишни афзал қўраётгани боис ҳам юқоридаги икки компания маҳсулотларига талаб пасайган.



## СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



## ЧЕМПИОНЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИГАН МАСКАН

**Юртимизда спорт турлари тобора ривожланиб, оммавийлиги ортиб бораётир. Минглаб ёшларимиз спортнинг турли йўналишларида шуғулланиб республикамиз, Осиё ва жаҳон биринчиликларида юқори натижаларни қайд этишмоқда. Буларнинг бари давлатимиз раҳбари ва ҳукуватимиз томонидан спортга қаратилаётган катта эътибор самарасидир.**

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудлари — пойтахтимиздан тортиб вилоятларнинг чекка туманларида ҳам спорт мактаблари барпо этилиб, ёшлар мунтазам спорт билан шуғулланмоқда. Худди шундай мактаблардан бири — Сергели туманида фаолият олиб бораётган 34-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидир.

2004 йилда «Олимпия умидлари» болалар спорт мажмуаси сифатида ташкил этилиб, 2012 йил декабрда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига айлантирилган масканда ҳозирги кунда

қиркта гуруҳда 490 нафар ёшлар ўзлари қизиққан спорт турлари билан шуғулланишмоқда.

— Мактабимизда ҳозирги кунда спорт гимнастикаси, бокс, кураш, ўзбек жанг санъати, каратэ, футбол каби спортнинг 11 тури бўйича машғулотлар олиб борилмоқда, — дейди БУСМ раҳбари Акбар Вакилов. — Ўғил болалардан ташқари бир қатор спорт турларига қатнашадиган юздан ортиқ қизларимиз ҳам бор. Машғулотларни ўн тўққиз нафар малакали мураббийлар олиб боради.

**Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етук инсон сифатида камол топишига муҳим эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки, келажак авлоди жисмонан соғлом, билимли, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган юртинга бир кун келиб қудратли давлатга айланади.**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

Давлатимиз томонидан ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ қафолатлаш, уларнинг таълим олиши ва бандлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қонунчилик асослари яратилиб, такомиллаштирилмоқда, ёшлар, хусусан вояга етмаганлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи институцион тузилмалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ёшларни эзгулик ғоялари руҳида муносиб тарбиялаш, маънавийтини, дунёқарашини янгилаш, уларга таълим бериш сифатини яхшилаш бугунги кунда долзарб вазифалар сирасига киради.

Ёшларнинг замонавий шароитларда билим олишини таъминлаш мақсадида мавжуд мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида жиҳозлаш, замонавий технологиялар билан таъминлаш, ўқув биноларини таъмирлаш ишлари изчил давом этмоқда.

Жорий йилда Сергели туманидаги политехника касб-хунар коллежи ўқувчиларга янада қулай ва замон талаблари асо-

сидаги шароитларда таълим олишларини таъминлаш учун тўлиқ реконструкция қилинди. 540 нафар ўқувчи тахсил оладиган коллежнинг биринчи ўқув корпуси, анжуманлар зали, кутубхона ҳамда ошхона биносининг ички ва фасад қисмлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Том қисмига юмшоқ қоплама тўшалди. Ёғоч деразалар ўрнига шовкин ўтказмайдиган замонавий ромлар ўрнатилди. Линолеум қисмида ҳам монтаж ишлари амалга оширилиб, электр шитлари ҳолати яхшиланди. Иссиқлик энергияси тармоқлари ҳамда оқава сув қувурлари тартибга келтирилди ва бўялди. Коллеж ўқитувчи-ўқувчиларидан иборат «Ёш қурувчи» гуруҳи жорий таъмирдан сўнг тозалаш ишларини олиб бордилар. Яшил буталар ва дарахтларга шакл берилди, ирригация тармоқлари тартибга келтирилди.

Еттига йўналиш бўйича ёшларга касб-хунар ўргатиладиган коллежда кенг қўламдаги таъмирлаш ишлари аяқланиб, 2013-2014 ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

## МАҲАЛЛА ТИНЧ — ЮРТ ФАРОВОН

**Бугун юртимизнинг барча вилоятлари, туманлари, шаҳарлари, маҳалла ва корхоналарида истиқлол байрамини кўтаринки руҳда ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.**

Мустақиллик байрамини муносиб нишонлашга тараддуд кўраётган намунали маҳаллалардан бири тумандаги Бобур маҳалла фуқаролар йиғинидир, ҳозирда ушбу маҳаллада саккиз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган бўлиб, унинг ҳудудида 55 та кўп қаватли уй, 20 та болалар майдончаси, 1 та мактаб, 1 та мактабгача таълим муассасаси, 9 та савдо дўкони, битта умумий овқатланиш шохобчаси ва битта тўйхона мавжуд.

Бугунги кунда маҳалла фаоллари томонидан ободонлаштириш ва орасалаш ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Кўчалар, йўлаклар, болалар майдончалари тозаланмоқда. Таъмирталаб бўлиб қолган уйларнинг том қисмлари, кириш йўлаклари ва ертўралари ремонтдан чиқарилмоқда. Жумладан, «Шокирарик» ХУЖМШга қарашли 60,74,76,78-уйларнинг томи сув ўтмайдиغان қилиб ёпилди.

Жорий йилда Бобур маҳалласида кўкаламзорлаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Мингдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди. Қарийб 10 минг донга гул кўчатлари ўтказилиб маҳалла чиройига чирой қўша бошлади.

— Маҳалламизда аҳолининг тинч ва фаровон яшаши учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилмоқ-

дамиз, — дейди Бобур маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хурсаной Рўзи-назарова. — Маҳалламиздаги ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, ободонлаштириш ва озодлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нотинч оила фарзандларини фаолларимиз доим назорат қилиб туради. Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз томонидан маҳалла институтини муттасил такомиллаштириб боришга қаратилаётган эътибор, маҳалла фаоллари масъулиятини янада оширишни тақозо этмоқда. Қадрият ва маънавият ўчоғи бўлган маҳалла аҳолиси маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида мунтазам қатнашиб келади. Жумладан, Бобур маҳалласининг жонкуяр ахли «Отам, онам ва мен спортчи оиламиз», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда аҳоли тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, маҳаллаларимиз тинч экан, юртимиз ҳам доимо фаровон бўлади.

Саҳифа материалларини Абдуалим САЛИМОВ тайёрлаган  
Ислом Исмоилов олган суратлар

## МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Тадбирни ўтказишимиздан мақсад дейди, — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Мирзо Улуғбек туман Кенгаши масъул ходими Феруза Хаитова, — Мустақиллигимизнинг 22 йиллигини нишонлаш арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтилган нурли йўлимизга яна бир назар ташлаш, истиқлол бу, энг аввало, миллий ўзлигимиз, ор-номус ва эркинлигимиз тимсоли, юртимизда яшаётган миллати, динидан қатъи назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини англаб етишдан иборатдир.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов, Ўзбекистон халқ артисти Т. Юсупова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Р. Комилов, А. Отажонов, Х. Ишонхўжаев, З. Низомиддинова ва бошқалар она Ватанимиз ва истиқлолимиз мадҳ этилган шеър, қўшиқлари билан тадбирнинг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаб бердилар.

Тадбир доирасида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази томонидан акушерлик ва гинекология соҳасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва режалар ҳақида ҳам сўз борди. Ёзувчи ва шоирлар, ёш ижодкорлар ўз ижод намуналаридан йиғилганларни бахраманд этдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар  
Ислом Исмоилов олган суратлар

## МУКОФОТЛАНГАНЛАР ҚУТЛАНДИ

**Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг миллатларaro дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.**

Мукофотланганлар қаторидан ўрин олган шахримиздаги 6 нафар маҳалла фуқаролар йиғини фаолларини қўллаш мақсадида Шайхонтохур туманидаги «Сархумдон» маҳалласида хотин-қизлар қўмитаси томонидан тадбир ташкил қилиниб, унга жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар маҳалла — оила тинч-тотувлигини, жипслигини мустаҳкамлайдиган гўша эканлиги хусусида тўхталиб, бугун юртимизнинг турли ҳудудларида фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш йўлидаги вазифаларни ўзига дастуруламал қилиб олган фуқароларимизни Президентимиз юксак мукофотларга лойиқ кўрган эканлар, бу уларга нафақат рағбат, балки масъулият юклашнинг ҳам ёддан чиқармасликлари лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, бугун Республикаимизда оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали МФЙ фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз миллий анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда, ёш авлоднинг тарбиялашда маҳаллаларнинг нуруний оқсоқоллари ва онахонларининг ўрни бениҳоя каттадир.

Мукофотланганлардан бири — Шайхонтохур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Назира Иноятова ҳам бу тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

— Ҳақиқий маҳалла фидойиси шу гўшадаги ҳар бир фуқарони ўз қон-қариндоши, ўз фарзанди тимсолида кўриб, уларнинг дардини юракдан хис эта олиши керак. Шундагина муаммоларни олдиндан аниқлаб, уларга ҳар жиҳатдан қўмак бера оламиз, қолаверса халқ ишончига муяссар бўламиз. Мен ўз фаолиятим давомида ана шу ақидага содиқ қолган ҳолда, биринчи навбатдаги вазифамни ҳар бир кишининг муаммосини ўрганиш ва унга ёрдам бериш деб билдим. Ана шу камтарона меҳнатларим туфайли Юртбошимиз мени шундай юксак унвонга лойиқ деб билган эканлар, келажакда ўз ишимга янада масъулият билан ёндашишга ва ёшларни Ватанимиз равақига муносиб ҳисса қўша оладиган шахслар сифатида тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Даврон НУРМУХАМЕДОВ



## МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛЛАРИ

(1994 йил)

Мустақиллик Ўзбекистон тарихида стратегик аҳамиятга эга давр бўлди. Бу жихатдан 1994 йилнинг алоҳида ўрни бор.

6 январда Тошкент – Жиззах электр поезди қатнови ишга туширилди. Кейинги йилларда бу йўналиш Самарқандга давом эттирилди. Эндиликда олдинги тепловоз билан тортиладиган поездга нисбатан икки баравар тез, яъни бор-йўғи 3,5 соатда Самарқандга етиб олиш имкони пайдо бўлди. 2011 йили Мустақилликнинг 20 йиллиги шарафига энди шу вақтни ҳам икки баравар камайтириш тадбири қўрилди. Шу тариқа қарийб 300 километр бўлган Самарқандга Тошкентдан икки соат давомда етиб борадиган бўлди.

25 январда Тошкентда Европа ва Осиё мамлакатлари саноатчилар ва ишбилармонлар халқаро конгресси кенгашининг йиғилиши иш бошлади.

4 февралда Ўзбекистон Жаҳон автомобиль транспорти уюшмасига аъзо бўлди.

11 февраль кун Нукусда Орол муаммосига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

16 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1941 – 1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик қўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги Фармони имзоланди.

19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1994 йил «Мирзо Улуғбек йили» деб эълон қилинди. Бу халқ ўз томирларини ўрганишга киришганининг яна бир исботи эди.

Агар теурийлардан Захриддин Мухаммад Бобур кейинчалик шох ва шоир тушунчаларини бир шахсда мужассамлаштирган бўлса, Мирзо Улуғбек ундан бир асрача илгари ўзида шох ва олимлик салоҳиятини юксак даражада уйғунлаштирган эди. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин»да Хусайн Бойқаронинг ўғли Абулфаворис Шохғариб Баҳодирга насиҳат битир экан, айнан ҳукмдор илмий бўлиши кераклигини ўқитиб, шахсолаларга Мирзо Улуғбек боболарини намуна қилиб келтиради...

1993 йилнинг 1 сентябрыда Тошкентдаги Академия шаҳарчасида Мирзо Улуғбек хайкали ўрнатилган эди. 6 октябрда Нукусда ҳам бу буюк олим, машҳур астроном хайкали очилди. 13 – 15 октябрь кунлари Тошкентда ва Самарқандда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги тантана қилинди. Тошкентда «Мирзо Улуғбек ва унинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилди. 1995 йили 14 сентябрда эса Тошкент давлат университети, яъни ҳозирги (2000 йил 28 январидан) Ўзбекистон Миллий университетида Мирзо Улуғбек номи берилди.

8 апрелда «Тошкент» Республика фонд биржаси ташкил этилди (биржа 1995 йилдан «Евроосиё» фонд биржалари федерациясига, 2001 йилдан эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги биржалари ассоциациясига аъзо бўлди). Шу кун Ўзбекистон Республикаси товар-хонамаш биржаси ҳам иш бошлади.

13 апрелда «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси ташкил этилди.

23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги (ҳозирги Республика Маънавият тарғибот) маркази, унинг муассислигида чиқадиган «Тафаккур» журнали ташкил этилди.

Бу миллий маънавиятни тиклаш, уни тараққий эттириш, маънавий-маърифий ислохотлар моҳиятини аҳоли кенг қатламлари орасида кенг тарғиб қилиш механизминини яратиш йўлидаги муҳим стратегик қадамлардан бири эди. Шу тариқа мамлакатимизда ўзига хос маънавият тизими шакллантирилди.

Маънавият сўзи тилимизда аввалдан бор эди. Хусусан, у Навоий асарларида кўп учрайди. Ҳатто, буюк шоир одамларни иккига – суврат аҳлига ва маъна аҳлига бўлади. Ёки Мавлоно Жалолиддин Румийнинг форсий тилда битилган олти китобдан иборат дунёга машҳур асари айнан «Маънавий маънавий», яъни «Маънавият дostonи» деб номланади.

Шунга қарамай, шўро даврида бу сўз тилимизда истеъмолдан чиқди. Исботи шуки, ўтган асрнинг 70 – 80-йилларида чоп этилган икки жилди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам, ўн тўрт жилдан иборат «Ўзбек совет энциклопедияси»да ҳам бу сўз йўқ, демек, айни тушунчага таъриф берилмаган.

Ҳўш, маънавият сўзи айнан қачон қайта тирилди?

Бу сўзни яна қайтадан истеъмолга киритиш Истиқлолдан сал олдинроқ, аниқроқ, 1990 йил 24 мартда бошланган эди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримов шу кун республика Олий Кенгаши сессиясидаги маърузасида, жумладан, маънавиятга алоқадор шундай фикрларни дадил туриб илгари сўрган эди:

«...Биз эски тузум даврида инсон ҳаётининг негизи ва мураккаб томонлари, миллий қадриятлар, тарихий анъаналар, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирганини унутмаслигимиз керак. ...Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу ҳазина асрлар давомда мисқолаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамларда маънавий бўлган. Бизнинг вазифамиз – шу ҳазинани кўз қорачиқимиздек асраш ва янада бойитиш».

Давлатимиз раҳбари шўро давридаги маърифат ва маданиятга муносабат ҳақида сўзлаб: «Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа ҳаётлардан кам бўлди», деди.

Олимлар ва ижодкор ҳодимларга эътиборни кўчаитиришни ҳам таъкидлади: «Чунки маънавий бойликлари айнан шулар яратди».

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Ўсиб келаётган авлод маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашишни ўқитди: «Яна бир долзарб вазифа – ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Нега деганда, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир».

Истеъдодли ёшлар тақдирини ўйлаб, жонқуярлик билан: «Агарки биз ўзимизнинг маънавий бурчимизни оқлашни истасак, уларга оталарча ғамхўрлик қилишимиз керак», деди.

Ажратиб кўрсатилган сўзлардан маълум бўлиб турибдики, Мустақилликдан бир ярим йил олдин Юртбошимиз ташаббуси билан тилимизда, демакки, онг-тафаккуримиз – дунёқарашимизда маънавий бойликлар, маънавий тарбия, халқ маънавий бойлиги, халқ маънавияти, маънавий бурч каби тушунчалар янгидан шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов 1991 йил 31 августдаги давлатимиз мустақиллигини эълон қилган тарихий маърузасида эса бира-тўла эски социалистик тузумдан воз кечиб, ўрнига бозор иқтисодиётига асосланган янги иқтисодий сиёсий тузум – демократик фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ислохотлар бошлаб юборишни ҳам айтди. Ислохотлар уч йўналишда олиб борилишини

Маънавиятга эътибор самара бермай қолмайди. Спорт ҳам маънавият даражасидан далолат беради. 24 февралда Норвегиянинг Лиллихаммер стадионида 17-қиш Олимпиадада ҳамюртимиз Лина Черязова фристайл бўйича чемпион бўлди. 30 майда Тошкентда биринчи марта «Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақаси бўлиб ўтди. 2 августда Тошкентда «Юнусобод» спорт мажмуасининг биринчи навбати ишга туширилди. Иккинчи навбати 1997 йили, сув ҳавзаси эса 2001 йили қуриб битказилди ва кейинчалик бу маскан «Ўзбекистон» спорт мажмуи номи билан атала бошлади. 8 сентябрда Қатар давлатининг пойтахти Доҳада бўлиб ўтган ўсмирлар Осиё чемпионатида тошкентлик шахматчи Рустам Қосимжонов олтин медални қўлга киритди. Бу келажақда Ўзбекистон номи ҳали кўп-кўп ва баланд-баланд давраларда жаранглашига бир ишора каби эди. Шу йилнинг 16 октябрыда эса спортда мамлакатимиз бундан ҳам улкан ютуққа эришди – футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Япониянинг Хиросима шаҳрида 12-Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.

Шўро мафқураси миллатни иккига ажратиб ташладан буткул ва ҳар тарафлама манфаатдор эди. Синфийлик назарияси шунга хизмат қилар эди. Бунга қўра, адабиёт ҳам сунъий равишда бўлиб-бўлиб ташланган эди. Сўз санъати илмий ҳақиқатга зид тарзда феодал-клерикал ёки диний-мистик йўналишларга ажратилиб, бу оқимларга киритилган асарлар гоёвий-маънавий жихатдан зарарли ҳисобланиб, қоралана эди.

Уша замонда Амирий шох бўлгани учун мазкур шоир ижодини ўрганишга йўл йўқ эди, аммо унинг умр йўлдоши бўлмиш Нодиранинг ҳаёти ва ижоди таълим тизимида ўқитиларди. Худди шундай ҳолатни Хоразм адабий муҳитига муносабатда ҳам кўраб эдик: бу адабий мактабнинг қанча-қанча вакиллари ижодини ўрганиш мумкин бўлгани ҳолда адабий жараёнини бошида турган Мухаммад Раҳимхон – Феруз ижодига эҳтиёткорлик билан ёндашилди эди. Чунки у Хива хони эди.

24 – 25 сентябрда Хоразмда давлат арбоби ва шоир Феруз таваллудининг 150 йиллиги нишонланди. Шу тариқа истиқлол даврида адабий меросга тўғри муносабат шакллантирилди. Уша йили Феруз асарлари чоп этилди.

7 ноябрда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, 8 ноябрда Самарқанд давлат чет тиллар институти ташкил этилди.

6 декабрда Тошкентда буюк адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Абдулла Қодирий 1937 йили қамоққа олиниб, 1938 йили 44 ёшида Юнусобод туманидаги Бўзсув бўйида, ҳозирги Шаҳидлар хиббони буёнд этилган чуқурликларда халқ душмани сифатида отиб ташланган эди. То истиқлол даврига ҳам Абдулла Қодирий ҳаёти ва фаолиятига қора қўзойнак билан қараш давом этиб келаётган эди. Буюк ёзувчининг 100 йиллигини нишонлаш амалда унинг ҳаёти ва ижодига ҳолисона баҳо бериш бошланганидан далолат бера эди.

25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларнинг биринчи тури бўлиб ўтди.

29 декабрда Вазирлар Маҳкамаси «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Юбилей тантаналарини ўтказиш 1996 йилга мўлжалланди.

Декабрь ойида Нукус – Москва йўналиши бўйича тезйорат поездларнинг мунтазам қатнови бошланди.

Мустақилликнинг ilk қадамлари оsonликча кечмади. Бу табиий эди. Чунки бир тузумдан батамом воз кечилиб, ҳам янги давлат, ҳам янги иқтисодий-иқтисодий тузум барпо этиш керак эди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги нишонланганидан кунлар олдиндан буларни очик-ойдин эслашимиз, ўша оғир вазиятлардан матонат билан, халқ ва давлат жипслиги шарафати туфайли чиққанамизни чин дилдан ҳис қилишимиз – янада каттароқ марраларни кўзлашимиз учун жуда-жуда зарур.

Шу мушкулотларга қарамасдан, 1994 йилларга келиб Мустақиллик ўзининг дастлабки иқтисодий «мева»ларини бера бошлаган эди. 6 январда Муборак газни қайта ишлаш заводида янги – 14-блок ишга туширилди. Март ойида Бухоронинг Когон шаҳрида графит-гипс комбинати, шунингдек, апрель ойида узунлиги 94 километр бўлган Газли – Нукус газ қувурининг биринчи навбати ишга туширилди. Август ойида Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманида карбид ишлаб чиқарувчи завод, Наманган вилоятининг Уйчи туманида асфальт заводи фаолиятини бошлади. Сентябрьда Жиззах шаҳрида «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси тизимида Жиззах мебель фабрикаси ташкил этилди. Ноябрь ойида эса Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида «Элтек» тўқимачилик комбинати иш бошлади. 20 декабрда Бухорода бинокорлик учун мрамар плиталар ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон кўпгина халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлди. Янги-янги банклар, биржалар, қўшма корхоналар иш бошлади.

Олим МАҲМУДОВ  
(Келгуси сонда 1995 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Бахти учун курашмаган уни  
кўлдан бой беради.

\*\*\*

Таъмагир ўғридан баттар.

\*\*\*

Нодон ўтган умрига ачин-  
майди.

\*\*\*

Омонат бахтга суяниб  
бўлмайди.

\*\*\*

Ортга сурганинг билан иш  
енгиллашиб қолмайди,  
оғирлашади.

\*\*\*

Ўзингни мажбур қилмасанг,  
ҳеч нарсанга эришолмайсан.

\*\*\*

Одамларга иши тушганда  
керак бўласан.

\*\*\*

Ҳасад ўти аввало соҳибини  
куйдиради.

\*\*\*

Нимани хор қилсанг, ўшан-  
га зор бўласан.

\*\*\*

Бировни айблаш оson,  
тушуниш қийин.

\*\*\*

Ҳаёт машаққатларига  
ҳамма ҳам бардош берол-  
майди.

\*\*\*

Нафс занжирини узиш оson  
эмас.

\*\*\*

Ёш йигитнинг кексалардай  
вазминлик билан иш кўриши  
ва гапириши фазилат, лекин  
кексанинг ёшлардай енгил-  
лик қилиши иллат.

\*\*\*

Ҳар кимнинг ўз давра-  
си бор.

\*\*\*

Худбин ўзидан ўзгани се-  
волмайди.

\*\*\*

Одамларни ҳеч нарсанга  
бошқаларнинг сиридан  
қаттиқ қизқирмайди.



жа иссиқ бўлади.  
Узgidromетнинг  
мониторинг хизмати  
маълумотида кўра,  
30 июлда Тошкент  
шаҳри об-ҳаво шаро-  
ити шаҳар ҳаво муҳи-  
тида зарарли моддаларнинг  
бир оз йиғилишига имко-  
ният яратилади. Атмосфера-  
нинг ифлосланиши даража-  
си 1-3 фойз кўпайиши  
таҳмин қилинмоқда, таг-  
миқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида  
30 июль кунини ҳаво вақти-  
вақти билан ўзгартиб ту-  
ради, ёғингарчилик бўлмай-  
ди. Шаҳардан секундида 3-8  
метр тезликда шамол эса-  
ди. Ҳарорат кечаси — 23-  
25, кундузи — 41-43 дара-  
жа.

